

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 239 (10.292)

2004 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Мўхтарам дўстлар!
Мен ҳам сиз, азизларни, сизнинг тинчликнингизда бутун халқимизни бугунги улуг айём - Конституцияимизнинг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан саямиқий муборакбад этаман.

Рухсат берсангиз, Ватанимизнинг Асосий Қонуни ҳақида ҳозиргина маърузачилик билдирган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, Конституцияимизга, бугунги ҳаётимизга бевосита алоқаси бўлган баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун Конституцияимиз қафолатлаб берган вазифалардан энг муҳими - халқимизнинг ҳаётини яхшилаш, унинг фаровонлигини босқичма-босқич юксалтириш мақсадида қилаётган ва қилиш керак бўлган ишларимиз ҳақида сиз, азизлар билан фикрлашиб олмақчиман.

Шу борада яқин тарихимизда кечган йўлимизга бир назар ташлайлик. Бизга эски тузумдан ҳар томонлама заиф, бирёклама ривожланган, бошқаларга қарам бўлган иқтисодий мерос бўлиб, ўлкамиз асосан арзон-гаров хомашё етказиб берадиган ҳудудга айланиб қолганини барчамиз яхши биламиз.

Эҳтиёжimiz учун зарур бўлган товарларнинг 80 фоиздан кўпроги, жумладан, галла ёки ун, шакар, гўшт ва суг маҳсулотларидан тортиб, ҳатто тузгача, деярли барча озиқ-овқат ва асосий саноат молларини ташқаридан келтиришга мажбур бўлганимизни ҳали кўпчилики эсидан чиқаргани йўқ, деб ўйлайман.

Иқтисодийни, аввало, ишлаб чиқариш соҳаларини оқилона ташкил қилиш, улар-

га юксак технологияларни жорий этиш, шу ососда замонавий корхоналар барпо этиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос, халқаро бозордаги рақобатта бардош бера оладиган тизимни яратиш биздан, шубҳасиз, катта вақт, меҳнат ва шижоатни талаб қилди.

Ана шу эски, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик ва ўта марказлашган тақсимот тизимидан воз кечиб, бутун дунё яшаётган, бозор иқтисодиёти муносабатларига қурилган тизимга ўтиш, миллий давлатчилик бошқарувини ташкил қилиш, лўнда қилиб айтганда, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини, эркин иқтисодиётни қуриш биз учун бугун ҳам осон кечаётгани йўқ, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Шундай шароитда ҳам, қандай қийин бўлмасин, ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ҳар йили маълум даражада ошириб боришга имкон топа олди ва имкон топмоқда.

Албатта, иқтисодийдан узоқ бўлган баъзи одамлар назарида ойлик иш ҳақини ошириш ҳар қандай вазиятда ҳам энг маъқул йўл бўлиб туялиши мумкин. Биз ҳам бошқа баъзи бир давлатларга ўхшаб, реал иқтисодий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ойлик иш ҳақи даражасини қайта-қайта кўпайтиришга қарор қилишимиз мумкин эди.

Лекин биргина оддий ҳақиқатни, яъни маошларнинг ошиши билан бозорда сотиб оладиган мол-товарлар етишмасса, бундай ҳолат фақатгина зиён етказиши, бошқача айтганда, нарх-навоҳини ошишига олиб келишини тушуниш қийин эмас.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намоёндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси ангайди. Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Конституцияимиз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва тамойилларни, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунириш, таъриб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституцияимиз белгилаб бер-

БУЮК ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

ган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституцияимизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Зеро, Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа бораётиб халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саноати бош гоғлардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Инсонпарварлик гоғлари билан йўғрилган ислохотлар жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг бунданда фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз бошлаган ишларимизни кенг қўламада, жадал суръатлар билан давом эттириш борасида олдимизда турган муҳим масалаларга эътиборни қаратди.

Неча йилдирки, халқимиз янги йилни янги бир ном билан кутиб олади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бундай эзгу анъана замирида миллионлаб инсонлар манфати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр ва мурувват туйғуларини юксалтириш ҳисси мумкин.

Яқунига етаётган Меҳр ва мурувват йилида юртимизда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришилди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур юртдошларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги - 2005 йилни мамлакатимизда Сўхат-саломатлик йили, деб эълон қилишни тақлиф этди. Юртбошимизнинг бу тақлифини йиғилганлар гулдурас қарсақлар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан яқунланди.

(ЎЗА)

ВАТАНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Озод юртга, эркин ва бахтиёр халққа улугвор байрамлар ярашади. Катта шодиёналар катта тўрафалари билан янада гўзалдир. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги борасидаги эзгу ишларга улкан ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

7 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

— Аввало, сизлардек эл-юртимизнинг муносиб вакиллари билан, Ватанимизнинг энг юксак фахрий унвон ва мукофотларига сазовор бўлган инсонлар билан қўришиб турганимдан бахтиёр эканимни изҳор этмоқчиман, - деди Президентимиз. - Ҳар йили барчамиз учун муқаддас бўлиши Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан юксак унвон ва мукофотларга сазовор бўлган юртдошларимизни айнан Конституция байрами арафасида қўллаш ва табриклаш яхши бир анъанага айланиб қолди.

Сиз каби эл-юртимиз эъзозига муяссар бўлган, мамлакатимиз тараққиёти ва равнақига ибратли ҳисса қўшаётган фидойи, заҳматқаш инсонлар билан қўришиб, ўзимнинг фахри бурчимни адо этиш, сизларни бағримга босиб, Ватанимизнинг мукофотларини сиз, азизларга топшириш мен учун катта шарафдир. Афсуски, мана шу муқаддас сарой юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган барча-барча ватандошларимизни ўз бағрига сиқдиришмайди.

Аммо мен шу ҳаяжонли дақиқаларда мана шу залда тўпланган сиз, азизларнинг тинчликнингизда бугун мукофотларга сазовор бўлган барча юртдошларимизни қўра-

ман ва уларнинг ҳаммасини чин қалбимдан, юрагимдан қўглайман, деди Президентимиз.

Биз бугун мамлакатимизнинг энг олий мукофоти - «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган унвон билан тақдирланган моҳир темирйўлчи-машинист Тўлқин Иброҳимов, жонқур муаллима Анар Маҳмудова, миришкор деҳқон Абдураим Ҳамидов, элимизнинг ардоқли шоири Иброҳим Юсуповнинг номини катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Бу йил ҳам кейинги пайтда шаклланган қўллуғ анъана-ни давом эттириб, ўзининг фидокорона меҳнати, ноёб истеъдоди билан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган, халқимиз шўҳратини дунёга тараннум этган марҳум алоимо ва санъаткорларимизнинг элу юртимиз олдидаги хизматларини муносиб тақдирладик.

Бетакор санъати билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган Наби Раҳимов, Сора Эшонтураева, Ойимхон Шомуротова, Ҳожижон Болтаев, Муҳаммадхон Мирзаев, юртимизнинг оташин куйчиси шоир Ҳамид Олимжон, мамлакатимиз математика фанининг эркин намоёнчаси академик Всеволод Романовский сингари мумтоз сиймоларнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани ана шу ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Давоми 3-бетда.

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми.Боши 1-бетда.

Нега деганда, 90-йилларнинг бошида ана шундай ҳолат рўй бергани оқибатида нархлар чегарасиз тарзда кўтарилиб кетганига барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлган эдик. Бугунги кунда иқтисодийётимиздаги вазият кескин ўзгармоқда.

Кейинги йиллар давомида юртимизда амалга оширилган туб ўзгариш ва ислохотлар натижасида иқтисодийётимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини, сўнгги беш-олти йил мобайнида макросиқтисодий барқарорликка эришганимизни кўпгина нуфузли халқро иқтисодчи ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Ислохотларни чуқурлаштиришда, хусусий мулкка, кичик бизнес ва фермерликка кенг йўл очиб беришда, пул муомаласини, миллий валютани мустақамлаш йўлида, молия ва банк тизими соҳасида халқро талабларга жавоб берадиган кескин қадамлар қўйдик.

Шулар қаторида илгари четдан олиб келинадиган кўпгина товарлар ўрнига ўзимизда қурилган замонавий корхоналарда маҳаллий ҳомаш ёқасида сифатли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилгани, уларнинг ҳажми ва микдорининг кўпайиши - буларнинг барчаси хорижий инвестициялар келишининг кескин кўпайишига, иқтисодийётимизда таркибий ўзгаришларга, инфляциянинг ҳиловланишига, олтин-валюта захираларимизнинг ортиб боришига олиб келмоқда.

Бу борада айниқса сўмиимизнинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини таъминлашга қаратилган чора тadbирларимиз бугун сўзсиз ўз ҳосили ва самарасини бермоқда. Мана шу вазият ва юришларимизни тасдиқлайдиган баъзи бир рақам ва кўрсаткичларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистон аҳолиси сони шу йилнинг охирига бориб 26 миллионлик маррани эгаллаш кутилмоқда. Аҳолимизнинг йиллик ўсиши эса охириги беш йил давомида ўртача 101,2 фоизни ташкил этди. Реал ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 104,8 фоиз, киши бошига ҳисоблаганда эса 103,5 фоизни ташкил қилди.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан тахминан икки марта кўпайгани ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланганимиз эвазига жорий йилда инфляция суръатлари 4,0 фоиз атрофидан ошмайди.

Барча эришилган ютуқ ва марраларимизнинг пировард натижасининг ифодаси бўлиши аҳолимизнинг реал даромадлари кейинги беш йилда 210,0 фоизга ўсди. Бундай ҳолат барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Ўнда қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодийётимизнинг торабора мустақам бўлиб бориши олдимизда турган барча долзарб, ўзининг ечимини кутаётган муаммоларини ечишга, шулар қаторида ишчи ва хизматчиларимизнинг иш ҳақини, кексаларимизнинг пенсияларини, студентларнинг стипендияларини, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами учун нафақа пулларини оширишга, умуман, ижтимоий масалаларини изчиллик билан ҳал этишга, халқимизнинг оғирини енгил қилишга олиб келади, албатта.

Азиз дўстлар!

Ҳеч шубҳасиз, ўзимизнинг машаққатли меҳнатимиз тўғрисида эришилган натижалар барчамизнинг ҳаракатимизга ҳаракат, ғайратимизга ғайрат ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Шу билан бирга, бугунги вазият барчамизни ўзимизга бўлган талабчанлигимизни асло сусайтирмасдан, бошлаган ишларимизни кенг қўламада, жадал суръатлар билан давом эттиришга даъват этади.

Куладиган ишларимиз ҳали кўп. Мақсадларимизни, ният-орзуларимизни сўзсиз амалга ошириш учун нималарга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур?

Биринчидан - бошлаган ислохотларимизни янада тезлаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси. Аввало, иқтисодийётимизда хусусий мулк улусини ошириш, мулк эгаларининг фаолият эркинлигини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва тadbиркорликка, қишлоқ ҳўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш. Бу йўналишларда йўлимизни тўсиб турган барча гов-тўғанокларни олиб ташлаш.

Иккинчидан - одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимда ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгариши, уларнинг масъулиятини ошириш, давлат идораларининг иқтисодийётга ноқонуний аралашувини чеклаб қўйиш, қонун ҳукмронлигини ҳаётимизнинг ҳама жаҳалларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиб яшаш барчамиз учун ҳаёт тарзига айланишига эришмоғимиз даркор.

Масалани айнан шундай кескин қўйишга барча асосларимиз бор.

Ҳаммангизга маълумки, йил бошидан буюн 7 та вилоятимизда маҳаллий кенгашларнинг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди.

Шуни катта афсус билан қайд этиш керакки, ана шу сессияларда Конституциямиз белгилаб берган талаб ва мезонларга амал қилиш, жойларда, шуни тақрор айтишга тўғри келади, халқимизнинг, авваламбор қишлоқларда яшайдиган одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ечиш, уларнинг аҳволдан ўз вақтида хабардор бўлиш, орзу-умидларини рўйга чиқариш, адолат устуворлигини таъминлаш йўлида кўпгина нуқсон ва камчиликлар мавжудлиги аён бўлмоқда.

Минг афсуски, ҳокимият ва бошқарув идораларида ўтирган баъзи шахсларнинг ўзлари қонун талабларига риоя қилиш

у ёқда турсин, қонунни қўлоб равишда бузиши, аввало ўз манфаатини кўзлаб, ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳеч қандай бўлмайдиган ҳолатдир.

Албатта, бундай ҳолатларга қарши чора қўрилипти, тегишли тadbирлар ўтказилапти.

Лекин мансабдор шахслар фаолиятидаги бундай қонунбузарлик кўринишлари ва хунук мисоллардан бутунлай воз кечишининг энг муҳим, таъсирчан вазифаси сифатида жойлардаги ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик ва фуқаролик назоратини кучайтириш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Масалани айнан шундай қўйишни барчамиз кутаётган, 26 декабрь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар ҳам тақозо этади. Ушбу сайловлар арафасида, шаҳар ва қишлоқларда депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтаётган ҳозирги пайтда мана шу масалани, яъни жамоатчиликда ижтимоий ва фуқаролик назоратини кучайтириш масаласини кун тартибига қўйишни ҳаётимизнинг ўзи талаб этмоқда.

Бўлғуси депутатларимиз ўз сайловчилари ва эл-юрт олдидидаги бурчини муносиб равишда бажариш учун аввало ўзларини халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча ислохот ва янгиланиш жараёнларини ўз назоратига олиб, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қўнун чегарасидан чиқмаслигини қаттиқ кузатиб турса, ўйлайманки, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб берадиган иш бўлади.

Қадрли юртдошлар!

Биз бундан бир йил аввал халқимиз, жамоатчилигимизнинг орзу-интилишлари, тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, 2004 йилни диёримизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзланган асосий мақсад - юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустақамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамоат эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат экани сизларга яхши маълум.

Ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимизда алоҳида дастур қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш учун йил давомида кўп-кўп ишлар бажарилди. Албатта, бу дастурдаги тadbирларни ижро этиш бўйича жойларда тегишли ҳисоботлар берилди.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, «Меҳр ва мурувват йили» га бағишлаб бажарилган дастурнинг асосий нуқталарига тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, шуни таъкидлашимиз керакки, дастурда белгиланган тadbирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳомийлар маблағи сарфланган. Бундай рақамлар йил давомида амалга оширган ишларимизнинг қўлама ва миқдосини тасаввур қилиш имконини беради, деб ўйлайман.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бўйича белгиланган кенг қўламли тadbирлар ижроси ҳақида гапирганда, икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми бу йил 1,3 мартага кўпайиб, 140 миллиард сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қишқи кийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Дастур доирасида янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилгани, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қўлайликлар яратилгани айниқса ибратлидир.

Мамлакатимиздаги мавжуд 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернат бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва реконструкция қилинди. Бунда фақатгина «Меҳрибонлик» уйлариининг ўзига 24 миллиард сўм маблағ сарфланди, бу ишларнинг 85 фоизи ҳомийлар томонидан бажарилди.

Шунингдек, ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Айни пайтда 134 минг нафар ногирон бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг соғлигини мустақамлаш чоралари қўрилди.

Бундай хайрли ишларга нафақат юртимиздаги, айни пайтда халқро микёсдаги ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани диққатга сазовордир. Чунонки, ЮНИСЕФ, «Ворлд консернер», «Енгра», «Америкерс» ва бошқа ташкилотлар томонидан 6 миллиард 500 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шулар қаторида «Фриденсдорф интернейшнл» халқро ташкилоти кўмагида Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро, Қашқадарь, Хоразм, Фарғона вилоятларидан 156 нафар боланинг Германияда жарроҳлик ўсули билан даволаниши ташкил этилди.

Жорий йилда 1 миллион 665 минг нафардан зиёд пенсионерлар, 535 мингдан зиёд катта ёшдаги ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилгани, қўлаб эҳтиёжманд қарияларимиз ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлангани ҳам ана шу ишларнинг узвий давомидир.

Дастур доирасида умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий объектларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Бу мақсадлар учун 40 миллиард 500 миллион сўм бюджет маблағи, 23 миллиард сўм ҳомийлар маблағи жалб қилинган бу соҳада ҳам салмоқли ишлар бажарилганини кўрсатади.

Бугунги кундаги долзарб масала бўлиши оммавий спортини, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида барча вилоят ва туманларда, биринчи қалда, умумтаълим мактабларида спорт майдончалари ва иншоотлари барпо этиш, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш бўйича кенг қўламада иш олиб боришмоқда.

Агар бу йўналишда 8 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланганини ҳисобга олсак, қилинган ва қилинаётган ишларнинг ҳажминини тасаввур этиш қийин эмас.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун «Меҳр ва мурувват йили» тadbирларини амалга оширишда, уларга алоҳида маъно ва тарбиявий-ахлоқий, инсоний мазмун-моҳият бахш этишда улкан ҳисса қўшган маҳалла идоралари, маҳалла ахлининг хизматларини алоҳида эслаб ўтиш лозим.

Халқимизга хос бўлган ҳашар йўли билан маҳалла ва гузарларни обод қилиш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш сингари эзгу аъёнларнинг давом эттирган ҳолда, 1 миң 580 нафар фуқаронинг уй-жойи, 2 миң 100 та маҳалла гузари, 275 та маиший хизмат шохбачалари ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди ва янгитдан бунёд қилинди.

Шу борада Тошкент ва Бухоро вилоятларининг чекка қишлоқларида боқувчисини йўқотган аёллар ва ногирон ёшларга мўлжалланган, зарур қўлайликларга эга бўлган ишлаб чиқариш ўқув марказлари ташкил қилинганини айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги пайтда Қашқадарь ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шундай марказлар барпо этилмоқда.

Айниқса, Жиззах шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун турар-жойларга ва маиший хизмат кўрсатадиган инфратузилмага эга бўлган «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»нинг қўриб битказилгани эътиборга сазовор.

Бу йил Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида юртимизда кенг миқёсда ўтказилган умумхалқ ҳашарларидан тушган қарийб 4 миллиард сўмлик маблағ кам таъминланган оилаларни қўлаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш, спорт мажмуалари барпо этиш каби эзгу ишларга сарфланмоқда.

Йил давомида азим пойтахтимиз Тошкентга, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизга, буюк аждодларимизнинг муқаддас қадимжоларига 150 мингдан зиёд кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун бепул зиёратлар уюштирилгани ҳам меҳр-мурувват деган юксак ва олжаноб тушунчаларни кенг маънода ифодалайди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг маъно-мазмунига сингдирилган гоё, яъни жамоатчиликда ҳеч қим ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч қим эътибордан четда қолмаслиги керак, деган даъват миллионлаб юртдошларимиз қўлида акс садо бергани, уларни одамийлик ва инсонпарварлик ишларига қорлагани барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу минбардан туриб, шундай олаҳонлар ишларга ҳисса қўшган барча меҳнат жамоаларига, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, саховатли юртдошларимизга, хорижий ташкилотлар вакиллари ва чет эллик ҳамкорларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан самийий миннатдорлик ихзор этиш менга катта мамнурийят етказди.

Албатта, бизнинг бу йўлдаги мақсад-муддао ва саъй-ҳаракатларимиз фақат ушбу дастур билан чегараланмай қолмайди. Бу масала юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги узоқ ва давомли стратегик вазифаларимизнинг узвий бир қисми сифатида кейинги йилларда ҳам албатта изчил давом эттирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бу дунёда ҳаёт бор экан, одамзот тинч ва фаровон, бахтли-саодатли умр кечириши орзу қилади. Шу маънода, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш бериш, аҳоли соғлигини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамоатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлигини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат микёсида махсус дастур амалга оширилаётганидан халқимиз, жамоатчилигимиз албатта хабардор.

Жумладан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича олий борилаётган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида узоқ гапириш мумкин.

Давоми 3-бетда.

БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

XVI сароси
Барча маблардақ олийлик сўнгги хабарлар

Охири.Боши 1-2 бетларда.

Айни пайтда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, хали-бери ечилмаган ўткир муамло ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартараф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш учун хали кўп меҳнат қилишимиз зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Албатта, аҳолимизнинг соғлигини сақлаш ва даволашда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган вазифалар, янги йилга мўлжалланган давлат бюджети ва харажатларини белгилашда етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, бу соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал этилади.

Табиийки, бу харажатларни аниқлаётганда нафақат медицина соҳаси ва унинг эҳтиёжини, балки шу тармоққа бевосита дахлдор бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, халқимиз ҳаётига алоқадор бўлган шунга ўхшаш масалаларнинг ечимини ҳам инobatга олишимиз зарур.

Лекин мен шу ўринда барчамиз оддий, ammo муҳим бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим, яъни одамзотнинг соғлиги кўп жиҳатдан авваломбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутди. Бунинг кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам, табиий тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда.

Бундай қараш ва муносабатларни ривожланган давлатлар, инсон ҳаётининг қадрига еттирган, халқ соғлигини том маънода юртнинг ҳақиқий бойлиги деб биладиган мамлакатлар мисолида кўриш қийин эмас.

Масалан, Японияни олайлик. Ҳозирги кунда бу мамлакатда юз мингдан зиёд бир асрдан ортиқ умр кўрган кексалар истикомат қилади. Бу - дунё миқёсидаги энг катта ҳўрсаткичдир. Лекин шуни ҳам таъкидлашимиз кераки, Япониянинг бундай натижага эришгани тасодиф эмас.

Албатта, бу ютуқнинг ўзига хос шартлари ва омиллари бор. Авваломбор, миллий қадриятларга ҳурмат, жамиятда ҳукм сураётган тинчлик ва осийшталлик муҳити, фаровон ҳаёт, маданий савиянинг юқорилиги, ижтимоий соҳанинг юксак даражага қўйилгани, бу масалалар давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида экани бунга асос бўлганини аниқлаш қийин эмас.

Аmmo буларнинг барчасини тарозининг бир палласига қўядиган бўлсак, ўйламанки, унинг иккинчи палласини босадиган нарса - бу япон халқининг ҳаёт тарзини, ҳаёт кечирishiини тўри ташкил қилиши, ўз саломатлигига бўлган оқилона муносабатиридир.

Азиз дўстлар, шу маънода, узоқ йиллар давомида онгимизга чуқур сингиб қолган бир тушунча борки, биз ундан имкон қадар халос

бўлишимиз лозим, деб ўйлайман.

Ўзимиз бир тасаввур қилайлик - одамзот туғилади, вояга етади, бир умр тинмай меҳнат қилади, ҳар кунини, ҳар доим албатта қандайдир муаммонни ечиш билан банд бўлиб яшайди.

Лекин, бир зум бўлсин, тўхтаб, оқрасига қараб, эй биродар, ахир, умр дегани оқар сувдек ўтиб борапти, мен ҳам инсон бўлиб, орзумид билан дунёга келиб, ўзим учун ҳам яшашга, шу ҳаётдан баҳра олишга вақт топдимми, деб ўйламайди.

Кўпчилигимиз, майли, энди бизлар кўрмагани болаларимиз кўрсин, бизнинг давримиз ўгди - болаларимиз яшасин, деган фикр билан ҳаёт кечирамиз. Албатта, буни фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту саодатини ўйлаб, чин дилдан тилаймиз.

Бундай муносабат ва эзгу тилаклар билан яшаш, албатта, миллилатимизга мансуб табиий бир ҳол. Лекин, шундай қараш билан бирга, халқимизда кенг тарқалган яна бир олижаноб, чуқур маъноли хикमत ҳам борки, у ҳақда гапирмасдан, уни есга олмасдан бўлмайди.

Агар эътибор берсангиз, қариялар, ўрта ёшга кирганлар дийдор кўришганда, дуога қўл очиб, илоийни, умрингиздан барака топинг, қилган меҳнатингизнинг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, деб тилак билдиради.

Барчамизнинг истакимиз шунки, ҳар бир инсоннинг қалбидаги мана шундай эзгу орзуниятлар рўёбга чиқсин. Лекин тақдор айтишга тўғри келади - давлат, ҳокимият идоралари соғлиқни сақлаш масаласига қанчалик эътибор бермасин, аввало аҳолимизнинг, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш қийин бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, азизларим, аслида, ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиغان ташвишларидан бироз холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйлаши, соғлиги ҳақида қайғуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши кўриб яшashi керак эмасми?

Бошқача айтганда, одамларимиз ўзини ўзи қадрласа, ўз қадрига аввало ўзи етиб бурса, фойдалан холи бўлмасди. Мана шундай қараш, мана шундай ёндашувни ҳаётимиз қондасига айлантириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб харақат қилишимизнинг вақти келди, деб ўйлайман.

Қадрли ватандошлар!
Кириб келаётган янги йилимизга ном беришда ҳар сафар сизлар билан маслаҳатлашиб, бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишимиз ўзига хос яхши бир одатга айлиб қолди.

Мен юқорида айтилган фикрларни, мақсад ва вазифаларни назарда тутиб, **Янги - 2005 йили мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Албатта, аввалги йиллардаги тажрибага кўра, биз бу масала бўйича ҳам алоҳида дас-

тур ишлаб чиқиб, амалга ошириладиган асосий ишларни аниқ белгилаб оламиз.

Бу дастурда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган табиийёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари синган муҳтарам нурунийлар, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечирishiлари учун зарур шарт-шароит яратиш бериш масаласи диққат-эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Шу билан бирга, инсоннинг бошига дард тушганда биринчилар қаторида ёрдамга келадиган олижаноб касб эгалари бўлиши шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий нуқтаи назардан рағбатлантириш вазифаси ҳам ушбу дастурдан ўрин олиши лозим.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги йилнинг мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг тараққиёт йўлида янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади.

Нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай муҳим масалани кун тартибига қўяр эканмиз, биз бунинг мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидан ривожланиб, иқтисодий тизимининг ўсиш суръатлари ортиб, салохиятимиз, имкониятларимиз тобора ошиб бораётганининг яна бир белгиси ва тасдиғи сифатида қабул қилишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Сўзимнинг охирида яна тақдор айтмоқчиманки, инсон ўз соғлигини асрагани тақдирда табиатни, ҳаёт давомилигини асраган бўлади.

Бундай эзгу орзу-мақсадлар учун ҳам давлат, ҳам жамият, ҳам шу юрда яшаётган одамларнинг куч-қудрати ва ҳиссасини бирлаштиришимиз зарур.

Мен яхши ният билан эълон қилаётган Сихат-саломатлик йилида бутун халқимизни мана шундай ҳаёт фалсафаси билан яшашга даъват этмоқчиман.

Азизларим, Оллоҳ таоло берган соғлигимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фатҳгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Сизларни Конституцияимизнинг 12 йиллик байрами билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, хондонларингизга файзу барака тилаб қолман.

Мамлакатимизда

• **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Фармонида кўра Исматила Раимович Эргашев Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Факултода ва муҳтор элчиси этиб тайинланди.**

• **Тошкентдан Оролбўйига — Хоразм вилоятига навбатдаги саломатлик поезди жўнаб кетди. Поезд Хоразм вилоятига таркибда доридармонлар, дезинфекция воситалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар, халқ истеъмоли моллари бўлган умумий қиймати 25 миллион сўмдан ортиқ хайрия юқини етказди.**

• **Сирдарё вилояти марказида пахта толасини қайта ишлаш ҳамда йиғирилган ип ва мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сайхунмедтекс» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси очилди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб Бухорода ўтказилган кураш бўйича вилоят Кубоги бахсларида юздан ортиқ полвон иштирок этди.**

• **Тўртқўл туманининг Адакаев номида ширкатлар бирлашмасидаги эски боғча биноси қайта таъмирланиб, «Хушнуд-макон» ўқув ишлаб чиқариш маркази таншиқил этилди.**

Жаҳонда

• **Босния ва Герцеговинада тинчликни сақлаш бўйича амалиётлар устидан назорат бундан буён Европа Иттифоқи кучлари зиммасига юкланади.**

• **Украина Олий суди мамлакатда 21 ноябрь кунини бўлиб ўтган президент сайловининг иккинчи тури натижаларини бекор қилиш ва қайта сайловни 26 декабрга тайинлаш ҳақида қарор қабул қилди.**

• **Жазоирда Рихтер шкаласи бўйича бўлган 4,7 балли zilzila натижасида 46 киши турли даражада тан жароҳати олди.**

• **ХАМАС сиёсий бюроси раҳбари ўринбосари Мусса Абу Марзук Фаластинда янги ҳукумат шакллантирилгандан сўнг ҳам ташкилот Исроилга қарши курашни давом эттиришини маълум қилди.**

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Охири.Боши 1-бетда.

Шу ўринда Президентимиз Ватанимизнинг нуфузли ва юксак мукофоти - Амир Темури ордени билан тақдирланган Рустам Қосимжонов ҳақида алоҳида тўхталиб.

— Оддий бир ўзбек оиласида, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида таваллуд топган, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиغان, содда ва камтар, айни пайтда шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, бутун дунёни ҳайратда қолдирган, халқимиз ва миллиятимиз номини, Ўзбекистоннинг шону шухратини юксак даражага кўтарган бу инсон бугун барчамизнинг ғурур ва ифтихоримизга айланди, - деди Ислам Каримов.

Рустам Қосимжонов бугун катта умид ва орзу билан ҳаётга кириб келаётган баркамол ва етуқ, манаман деган давлатларнинг вакиллари билан беллашувга тайёр ёш ва навқирон авлодимиз учун ҳақиқий, муносиб намуна бўлиб, мен ишонаман, жаҳон шахмат оламида ўчмас из қолдиради.

Бугун мамлакатимиз мустақиллигини, юртимиз озодлигини асраш ва химоялаш йўлида муқаддас бурч ва вазифасини адо этишда мардлик кўрсатган ватандошларимизнинг тақдирларини мақсадида таъсис этилган буюк саркарда Жалолидин Манғуберди номидаги орденини илк бор мана шу юксак шарафга муносиб бўлган ҳарбийларимизга топширади, деди Юртбошимиз.

Мана шу залда ўтирган, Ўзбекистонимизнинг юқини ўз елкасида кўтариб келаётган, риёз-рўзимиз бунёдкори бўлиши заҳматхаш ва миришкор дехқонларимизнинг муносиб вакиллари кутлаш ва олқишлашдан айнаикса бахтиёрман.

Бугун бу даврада ўз ҳаётини гоёта савобли ишга бағишлаган фидойи ўқитувчи Лутфи Юнусова, ўзбек мумтоз санъатини дунё бўйлаб улуғлаб, тарғиб этиб келаётган хонанда Муножот Йўлчиева, бир неча бор жаҳон чемпиони, болалар спортининг жонқуяри Еркинбой Куттибоев сингари кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлиб келаётган юртдошларимиз борлиги ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлайди.

Ўзининг чуқур маъноли асарлари билан мана шу саховатли заминни, унинг бетакор табиати ва ўзгаллигини, кўпмиллатли, бағрикенг халқимизнинг олижаноб фазилатларини таранум этиб келаётган Александр Файнбергнинг «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони билан тақдирлаш барчамизга катта манмуният етказди.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган турли касб эгалари - қўли гул қурувчи ва муҳандисларга, сановат ва ишлаб чиқариш соҳаларининг фидойиларига, мураббий ва шифокорларимизга, Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахисизлигини кўз қорачиқидай асраб келаётган мард ва жасур ҳарбийларимизга, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байрогини баянда кўтараятган спортчи ёшларимиз вакилларига - барча-барчаларингизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш, ҳаммангизни чин қалбимдан муборакбод этишдан ўзимни бахтиёр деб ҳис этман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, кўксингизда ялтираб, ярашиб турган орден ва медаллар барчангизга буюрсин, ҳаммангизга бахт келтирсин, деб яна ва яна бир бор самимий табрикламоқчиман, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Фурсатдан фойдаланиб, сизларни Конституцияимиз-

нинг 12 йиллиги билан кутлайман. Барчангизга сихат-саломатлик, узоқ умр, хондонларингизга бахту саодат тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Ғурлан туманидаги 5-ўрта мактаб директори Анор Маҳмудова, шахмат бўйича жаҳон чемпиони, Амир Темури ордени нишондори Рустам Қосимжонов, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган марҳум шоир Хамид Олимжоннинг қизи Хулқар Олимжонова, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Янгиобод» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Элибой Таниев, «Фидокорона хизматлари учун» ордени совриндорлари - хонанда Муножот Йўлчиева ҳамда «Тошоша» болалар фольклор театр студияси бадий раҳбари Нодира Қурбонова, Навоий вилояти Нурота туманидаги «Ғазгон» ширкат хўжалиги бош қўбини, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор Ғаффор Обидов, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 106-заиф ёшувчи қиз болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони соҳиби Лутфи Юнусова ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юксак суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидлади. Юксак эътибори ва гамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирилди.

(ЎЗА)

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮНИ

Еруг истикболга интилаётган халқимизнинг хоши-истаги — адолатли, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдир. Мустақиллигимизнинг ўтган 13 йили давомида демократик ижтимоий-сиёсий тузумнинг ҳуқуқий замини бўлган бир қатор қонулар, хусусан Ўзбекистон Конституцияси яратилди.

Давра суҳбати

ЭЗГУ МАҚСАДНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлиши Конституциямиз 1992 йил 8 декабрда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб қабул қилинди. Конституциямиз 6 та бўлим 26 боб, 128 та моддадан иборат бўлиб унинг ҳар бир моддасида умуминсоний қадриятларга содиқлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси акс этган. Асосий Қонунимизни синчиқлаб ўқиб чиқилса унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсондир деган фалсафий фикр ярқ этиб кўзга ташланади. Айни кунларда мамлакатимизда муҳим воқеалар — Ўзбекистон Республи-

• **Сурайё РАҲМОНОВА, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси:**
— Институтимизда ҳар чоршанба кун «Маънавият кун» деб эълон қилинган. Шу кун Асосий Қонунимизнинг тарғибот-ташвиқоти юзасидан шахримиздаги маҳалла ва мактабларда иш олиб борамиз. Аввало айтмоқчи эдимки, ўқувчига билим бериш учун ўқитувчининг ўзи ҳуқуқий саводхон, билимли, юксак тафаккурли бўлиши лозим. Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятини тушуниришни жуда ёшлардан, яъни боғча ёшидан бошлаш керак. «Ёшлиқда олган билим, тошга ўйилган нақш билан баробар» деб бежизга айтишмаган. Чунки у бола онгига сингиб, муҳрлиб қолади. Шундай экан, ҳаётимиз Асосий Қонунини ўрганиш, унинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини ёш авлодга ўргатиш ишени боғчадан, оиладан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.



• **Хайдарели ҚОРАБОЛАЕВ, шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг бош мутахассиси:**
— Шаҳримиздаги 452 та маҳалланинг ҳар бирида Конституцияимизни ўрганиш бўйича иш олиб борилади, десам асло хато бўлмайди. Айниқса Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилингандан сўнг бу йўлда анча ишлар амалга оширилди. Ҳар йили жамғармаимиз Конституция бўйича кенг қамровли ташвиқот ишларини олиб борган маҳаллалар ўртасида «Энг ибратли маҳалла оксоқоли» курик-танловини ўтказиб келамиз. Бу йилги танловда Собир Рахимов туманидаги «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» маҳалласи шаҳарда ва Республикада ғолибликни қўлга киритди. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, ҳуқуқий саводхонлик дарсларини ўтишда бизга Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари маҳаллаларга доимо яқиндан ёрдам берадилар.

• **Анвар МАМАДИЕВ, Тошкент Давлат юридик институти магистри:**
— Маълумотларга қараганда фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қилган муурожаатлари 2002 йилга қараганда 2004 йилда 17 фоизга ошган. Демак, фуқаролар аста-секинлик билан бўлсада Конституцияимизнинг туб мазмун-моҳиятини, ундаги бош мезон қилиб олинган — инсон шайни ҳар нарсадан улуғ деган ягона мақсадни англаб етмоқдалар. Яна бир нарсани айтиб ўтишни хоҳлар эдимки, қонулар қанчалик мукамал бўлмасин, унинг ижроси сўст бўлса қўрилган натижага эришиш қийин. Бу ўринда биз ёшлар менимча жонбозликни ўз қўлимизга олишимиз керак, ҳар бир ўсиб келаётган ҳақ ўз ҳуқуқини яхши билиши, бурч ва мажбуриятини англашида ёрдам кўрсатмоғимиз лозим.



• **Шерзод ХАЙДАРОВ, Тошкент Давлат юридик институти магистри:**

— Конституциявий ҳуқуқни ўрганиш талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия юксалтириш воситасидир. Чунки конституциявий ҳуқуқни ўрганиш талабаларнинг сиёсий фаоллигини кўтаришга кўмаклашди, ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини камол топтиради. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида «Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш» ўқув курси жорий этилдики, бу албатта ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда асосий воситалардан бири бўлмоқда.

• **Ғуллом ШОДИЕВ, Тошкент Давлат юридик институти магистри:**
— Бош қомусимизни мукамал ўрганишдан кўзланган мақсад-ҳуқуқий тарбияни юксалтириш, Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини ёш авлоднинг онги, тафаккури ва маданиятига синдириш, шу йўл билан жамиятда Конституцияга, қонунига нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир фуқаронинг Конституцияда мустақамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиши орқали ўзлигини мукамал англаб етишига эришишдир. Чунки, Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, кадр-қиммати ва дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки қонунни, унда мустақамланган ҳуқуқ ва бурчларини мукамал билган ҳар бир шахс ўзини эркин ҳис этади, кадр-қиммати ўзи мустақил ҳимоя қила олади. Демак бизнинг вазифамиз аҳолининг барча қатламлари ўртасида содда, аниқ, лўнда усул билан тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб боришдир.

Қизгин фикр-мулоҳазалар, ўринли тақлиф-истақлар билдирилган давра суҳбатида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» газеталарида ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» янги рўқини ташкил этишга ҳам келишиб олинди. Оммавий ахборот воситалари, олий ўқув юрталари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган бундай учрашувлар албатта ҳар томонлама фойдаланиб, аҳолининг ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англашларига муносиб ҳисса бўлиб кўшилади.

• **Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: давра суҳбатидан лавҳалар.**

• **Ҳақимжан Солихов олган суратлар.**

Конституция ҳуқуқий тизимнинг ўзаги, ҳуқуқ ва қонунчилик тармоқларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг юридик негизи бўлиб хизмат қилади. Қонунчиликнинг барча тармоқлари бевосита Конституцияга асосланган. Конституция Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ системасининг бирламчи манбаидир. У ҳуқуқ тармоқлари бирлигини, ўзаро мувофиқлигини, уларнинг бирламчи принципларининг ягоналигини таъминлайди. Конституциявий нормалар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим жиҳатларини бошқариб туради. Ана шу жиҳати билан у жорий қонун ҳужжатларидан фарқ қилади. Конституциянинг асосий сиёсий аҳамияти шундаки, у аҳолининг сиёсий ҳаритасида ягона давлат — мустақил Ўзбекистон Республикаси вужудга келганлигини

Мағбурлар

БАТАФСИА МАЪЛУМОТ БЕРИЛАДИ

Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида «Конституция — ҳуқуқларимиз кафолатидир» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Асосий Қомусимиз қабул қилинганининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу муҳим тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси, ички, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини кафолатлаган, халқимизнинг барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва қадриятларини ҳурмат қилишдек асрий анъаналарини қонун даражасига кўтарган Конституциямиз фуқаролик жамияти сари олдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тумандаги 89-ўрта умумтаълим мактабида ўтказилган мусобақаларда 100-160-172-соғли мактаблардан гуруҳлар ўзаро беллашдилар. Бир неча шартлар асосида ўтказилган мусобақаларда дастлаб гуруҳ вакиллари ўқув юрталари ва кўкрак нишонларини изоҳлаб беришди. Сўнгра аъзолар Конституция ва халқаро ҳуқуқий меъерлар ҳамда сайлов ҳуқуқи доирасидаги мавзуларда ҳақамлар ҳайъати томонидан берилган са-

Анжуманлар

ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Конституцияси ва демократик тараққиёт тамойиллари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда давлат жамоат ҳуқуқ ва имкониятларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга 100 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган, 138 миллий-маданий кенгашларига раислик қилаётган ҳоким ўринбосарлари, маданий марказ фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этидилар.

Фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини кафолатлаган, халқимизнинг барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва қадриятларини ҳурмат қилишдек асрий анъаналарини қонун даражасига кўтарган Конституциямиз фуқаролик жамияти сари олдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимизда тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга 100 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган, 138 миллий-маданий кенгашларига раислик қилаётган ҳоким ўринбосарлари, маданий марказ фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этидилар. Анжуман иштирокчилари томонидан қилинган маърузалар ва чиқишларда миллат ва динлараро ҳамкорлик таъминлаш борасида эришилган натижалар, уларнинг рўёбга чиқишида Конституциявий ҳодаларнинг ўрни билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Анжуман якунида жойлардаги миллий-маданий марказлар билан ишлаш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашлар фаолиятини янада тақомиллаштириш, маданий марказлар томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг самардорлиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Мунира НАБИЕВА СУРАТЛАРДА: анжуман қатнашчилари.

Ҳуқуқий саводхонлик

БИЛИМЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман бўлими Кенгаши ташаббус билан тумандаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таҳсил олувчилар ўртасида «Конституция — бахтимиз қомуси» кўрик-танловининг мактаблараро мусобақалари бўлиб ўтди. Шунингдек, мусобақа мобайнида ҳар бир гуруҳ «Конституция оламида» мавзусида саҳна чи-

МАҲАЛЛАМИЗ НОМИ БИЛАН ФАҲРЛАНАМИЗ

Бизнинг маҳалламиз Яққасарой туманида жойлашган бўлиб, «Конституция» маҳалласи деб номланади. Бундай ном билан биз фахрланамиз. Чунки, ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири — унинг Асосий Қонуни — Конституцияси ҳисобланади. Конституцияимизнинг моҳияти — халқ, миллат, инсон ва шахс манфаатидир. Асосий Қонунимизда меҳр-оқибат, иймон, ор-номус, Ватанга, миллатга садоқатли бўлиш каби хусусиятлар мужасамлашган ва миллий, маънавий, ҳуқуқий қадриятлар ҳамда ўзбек давлатчилигининг равнақи ўз аксини топган. Конституцияимизни қанчалик пухта билсак, эъзозлаб, ҳурмат қилсак, демак, жонжапон Ватанимизни ҳам шунчалик ҳурмат қилган бўламиз. Машҳур рим нотиги Цицерон айтганидек, «Эркин бўлмоқ истегидики ҳар қандай инсон қонуннинг қўли бўлмоғи керак!» Шу ўринда ай-

ни расмий равишда эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши биринчидан, фуқаролар тинчлигига, яъни қондаси — Конституция ва қонуннинг устунидигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўшбу қондасида махсус бўлим бағиш-кечиришини таъминлайди. Бизга маълумки, ҳар қандай суверен давлатнинг ижтимоий тараққиёти ўсиб келаётган ёш авлодга

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Натижада халқимиз ўз кадр-қимматини тиклай билди. У ўз ўтмишидан фахрланиши, келажакка ғоят даражада ишонч билан қараши мумкин. Миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши учун қудратли омил яратилди.

миллий ва ижтимоий тотувликка, иккинчидан, шахс эркинлиги ва сайлов эркинлиги, учинчидан, сиёсий барқарорликка, тўртинчидан, фаровонлик ва иқтисодий ўсишга, бешинчидан, давлатнинг одамлар олдидики ўз бурчини бажаришга эришишга қаратилган. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим

Мен келажакда етук ҳуқуқшунос бўлиб мана шу моддага ўшаган қонуларни қабул қилишда иштирок этишни хоҳлайман. Ўрта Осиёнинг буюқ файласуфи Абу Наср ал-Форобий IX асрда «Саодат шаҳри», яъни инсоннинг барча асосий ҳуқуқларига риоя этишчи давлат тузилиши ҳақида рисола битган эди. Аммо турли мамлакатлар ўзаро урушлари туяфайли «Саодат шаҳри»ни бунёд эта олмаганлар. Президентимиз томонидан баркамол авлод, эртаимиз давомчилари деб биз, ёшларга юксак ишонч билдирилаётган экан «Саодат шаҳрини» бунёд этадиган қомил инсонлар қаторидан ўрин олишни жуда истаб қоламиз ва шунга ҳаракат қиламиз.

• **Муниса АХРОРОВА, Тошкент Давлат юридик институти талабаси**



Қишларини намойиш этиди

Ёшларимизга қонунлар моҳиятини чуқур ўргатиш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборатлиги ҳамда бу мажбуриятларга қандай ёндошиш лозимлигини улар онгига синдириш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақа якунида ғолиблар аниқланди, уларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Озода РАҲМАТОВА

ҚОМУСИМ-ОР-НОМУСИМ!

Қўлимда ҳуқуқий буюқ давлатнинг Асосий Қонуни турибди — фахрим! Унда акс этгандир ҳар бир миллатнинг Эрки ва ҳуқуқи уммони — бахтим.

Ўқийман ҳар сатрин ҳаяжон билан, Унда жамула-жамдир инсоний қисмат. Ўқийман энтикиб пок виждон билан, Рухига сингмишдир хислат-фазилат.

Миллат белгиси — ўз она тили, Соф ўзбек тилида ёзилгандир у. Тил демак, аслида миллатнинг дили, Дилларнинг қатидан қазилгандир у.

Ҳар бир соф ибора мадҳия айлаб, Инсонни улутлаб, белади шонга. Одамлар қадрини доим шарафлаб, Етказар ҳар жонни эзгу армонга.

Ўзбекистон — ўз элим, Ўз уйим менинг, Қонуним қўлимда мисоли-қуёш. Дилдаги туганмас зўр қуйим менинг, Истиқлол толенмга қўйиш тамал тош.

Истиқлол шуурим, бахтимдир шаксиз, Қонуним — бу менинг қадрим, имконим. Қалбимда эътиқод, ҳурматим кескин, Оқ пахта мисоли тоза имоним.

Аждодлар макони, эй, қутлуг дийр, Қонуним туяфайли ўзлимим топдим. Сенга сўмас меҳрим дилда барқарор, Ўзлимим билан бир сўзлимим топдим.

Қуйлайман эрким қалбимдан хушҳол, Қуйлашга қонуним ёр этиди ҳуқуқ. Асосий Қонунини берган Истиқлол, Миннатдор юракдан қилгайман қулдук!

Қабул эт, ашъорим-авом аҳлидан, Шону-шарафингга янграганим саз. Қонуним, мен бу кун халқим бахтидан,

Қуйлай, авлодларга бўлиб жүрвоз.

Сен учун дил рози-ўз мадҳиямда, Хоши-иродам бахш этилганда, Бахтим, келажагим ҳар саҳифангда, Ўчмас бўлиб мангу нақш этилганда.

Қомусим — ор-номусим ифодаси сен, Орув ўйларимга битдиган жуфт қанот. Сен билан иқболим, умрим бир чаман, Шу бонс, сургайман хотиржам ҳаёт!.. Топшўлат НЕЪМАТ

Буну тўла ҳис қилган ҳолда, бизнинг маҳалла аҳли «исми жисмига монанд» деган нақлга асосланиб иш юритиб келмоқда. Хусусан, маҳалламизда «Қомусимизни ўрганамиз» деган мавзуда савол-жавоб кечалари ўтказиб тура-

Буну тўла ҳис қилган ҳолда, бизнинг маҳалла аҳли «исми жисмига монанд» деган нақлга асосланиб иш юритиб келмоқда. Хусусан, маҳалламизда «Қомусимизни ўрганамиз» деган мавзуда савол-жавоб кечалари ўтказиб тура-

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ
ДОНО БЎЛУВ...

Азизим, сен душман сўзига дарҳол ишониб қўя қолма, унинг сўзлари ҳийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун ўзини ниҳоятда мулоим қилиб кўрсатади. Сени гафлатда кўргач, тadbир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен учун чора-tadbир кўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надо-мат ёрдам бермайди. Чунончи айтадилар:

Душман иши аввал
ҳийла-ю найранг,
Сўнг ҳужум бошлайди
қилади гаранг.
Бу селнинг йўллари
тўсимласа гар,
Юзланар беҳисоб
фитна-ю зарар.
Фитна йўли бутун
тўсмасанг маҳкам,
Эртага кучаяр бўлиб
мустаҳкам!

Айтадилар:
— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар надон, душман, ҳасадчи, ёлгончи, кўрқоқ, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки надон йўлдан адаштиради:
Хар киши ўз ақлидан
огоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳ бўлар!
Душманинг эса сенинг зарар топишингни ўйлайди:
Хар киши ўз душманини
кучсиз санар,
Бир куни кучли
зиёнидан ёнар!
Ҳасадчи эса бор-шудиндан ажралишингни истайди:

Ким ҳасад қилса
бировнинг молига,
Охири бўлган
анинг вой ҳолига!
Ёлгончи эса фикрингни бузиб кўрсатади:
Кимки ёлгон сўзласа
ризиқ кетар,
Бир куни ёлгон
сўзи бошга етар!
Кўрқоқ эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўплашга ҳарисманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:

Моду ҳолинг аслида
душман эрур,
Зоҳиран боқсанг
неча равшан эрур!
Нафсига берилган киши ҳою-ҳаваснинг асрини билиб нафе тўридан қутулишга кучи етмайди:
Меҳватинг бирла нафасга
бер жазо,
Қилмасин токи
балога мубтало!

Хозирги кунда бутун дунёда янгидан-янги алоқа усуллари жадал суръатларда ривожланиб бораётгани сир эмас. Шунини мамнуният билан таъкидлаш мумкин-ки, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам ўзаро мулоқот тизими соҳасида муайян ютуқларга эришилди.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Куни кеча пойтахтимиздаги «Radison — SAS — Tashkent» меҳмонхонасида «Голден телеком» компаниясининг раҳбарлари билан бўлиб ўтган матбуот анжумани юқорида қайд этган фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мазкур тadbир Тошкентда янги рақамли алоқа тармоғининг ишга туширилиши муносабати билан уюштирилди. Лойиҳа «Голден Телеком» компаниялари гуруҳига кирувчи «Бўстон» қўшма корхонаси томо-

нидан амалга оширилди.

Эслатиб ўтамоқчи, 2004 йилнинг 3 майида «Бўстон» қўшма корхонаси акцияларининг 54 фоизи «Голден Телеком» компанияси ихтиёрига ўтган. Бунинг натижаси ўлароқ компаниянинг Ўзбекистондаги фаолият доираси нафақат кенгайди, айна вақтда «Бўстон» қўшма корхонаси томонидан намойиш этилаётган овозли алоқа, маълумотлар узатиш ва Интернет хизматлари сони ва сифатларининг ҳажми ҳам

кенгайди.

Махаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган матбуот конференциясида «Голден Телеком» компанияси президенти ва бош бошқарувчиси Александр Виноградов, вице-президенти Андрей Патока, «Бўстон» қўшма корхонаси бош директори Одил Алимовлар иштирок этишди.

— Ўзбекистон бозори бизнинг компаниямиз учун жуда муҳим аҳамиятга молик, — деди матбуот анжуманида сўз олган Александр Виноградов. — Бу ҳамкорлик самарасидан умидимиз ниҳоятда катта. Негаки бизнинг хизматларимизнинг юқори технология тизими асосида фаолият юритиши мижозларимиз сони ортишига омил бўлади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Маълум

ҚУРИЛИШЛАРГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Бундан бир неча йиллар аввал қурилган кўп қаватли турар жой бинолари ишлатилган рулонли том ёпмаларининг муддати ўтиб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бу ҳол биноларнинг юқори қаватларидаги хоналарда техник носозликни келтириб чиқармоқда.

Ушбу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида қатор лойиҳалар яратишга киришилди. Тошкент архитектура-қурилиш институтининг бир гуруҳ магистрлари ҳам бу жараёнга жалб этилди.

Олий ўқув юрти бирин-

чи курс магистранти Регина Латипова ҳам шу мавзу доирасида изланиш олиб бормоқда.

Биноларнинг техник ҳолатини баҳолаш йўналиши билан боғлиқ бу магистрлик диссертацияси устида ишлаш давоми-

да мустаҳкам, чидамли том ёпмаларини ишлаб чиқишга эришилади.

Устоз ва шогирдлар ҳамкорлигида олиб борилаётган изланиш натижасини шаҳар қурилишларида татбиқ этиш ҳам кўзда тутилди.

Бугунги кунда Республика «Истеъдод» жа-мғармаси ҳузурида масофали ўқитиш маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жа-мғарманинг эллик нафар грант совриндори хориждаги олий ўқув юртиларида малака оширишга муваффақ бўлди.

МАСОФАЛИ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

Икки нафар грант ғолиби эса Буюк Британиянинг Хериот-ВАТТ университети ҳузуридаги Эдинбург бизнес мактабининг курс магистрантига айланди. Улар бизнесни бошқариш мутахассислигини Англияга бориб эмас, балки ўзлари яшаб турган жойнинг ўзида масофадан туриб ўқишни давом эттирмоқдалар.

Жамғарма яна беш нафар магистрни шу усулда ўқишга тайёрламоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Қўрғазмалар

ЧЕХИЯ АФИШАЛАРИ

Ўзбекистондаги Чехия Республикаси элчихонаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент фото уйи ҳамкорликларида ташкил этилган қўрғазма «XX аср Жаҳон киносининг Чехия афишалари» деб номланди.

Фильм ва афиша техника тараққиётининг ажралмас қисми ҳисобланиб, фантазия ва таассуротларни бойитишда уларга айниқса ўтган асрда талаб кучли бўлган. Кинонинг афиша санъати кинематографияга бўлган оддий қизиқишдан келиб чиққан. Лекин, вақт ўтиб улар шаҳар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Яхши ишланган афишалар фақатгина кинонинг моҳиятини қисқалиқда англаштиришдан ташқари, томошбинга бошланғич ва асосий фикрни ифодалайди.

Ушбу қўрғазмада чехи-

ялик машҳур графика дизайнерлари, расомлар, ҳайкалтарош ва сахна дизайнерларининг XX асрнинг бошларида яратилган афишалари ўрин олган. Кинематография афишаларининг қўрғазмалари кўпгина мамлакатларда намойиш этилган.

Ҳаттоки баъзилари «Оскар» мукофотига сазовор бўлган. Қўрғазма кинематография тарихини вирту-



ал назария билан кўриш имкониятини беради. Бунда бир неча дақиқага ўзингизни юлдузлар оламига тушгандай ҳис этишингиз аниқ.

Юлдуз ТИЖАЕВА
СУРАТЛАРДА: «XX аср Жаҳон киносининг Чехия афишалари» қўрғазмасидан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ер шарининг энг билавд нуқтаси ҳисобланмиш Жомалунгма чўққисини (8848 м) забт этишга қаратилган Лойиҳа тақдимотини ўтказди.

“ЧЎҚҚИНИ ЗАБТ ЭТАМАН”

Тақдимот маросимида маълум бўлишича, 2005 йил баҳоринда халқаро экспедиция таркибига ўзбек альпинисти Дилмурод Тиллаҳўжаев ҳам чўққи сари йўл олади.

Д. Тиллаҳўжаевнинг сўзларига кўра, бу унинг Жомалунгма чўққисини забт этиш учун иккинчи уриниши бўлади.

— Чўққини барибир забт этаман, —

дейди у. — Биринчи марта шу йилнинг апрель-июнь ойида Грузия, Италия, Россия, АҚШ вакиллари билан таркиб топган “Алып Индустрия” халқаро экспедициясида қатнашганим. Ушунда об-ҳавонинг кескин ўзгариши тоғнинг энг юқори чўққисига чиқишга имкон бермаганди.

Н.ДЕВЛИСУПОВА,
“Туркистон-пресс”

«ЎЗФАРМСАНОАТ»: ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Пойтахтимизда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Novopharma plus» Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси иш бошлади.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати салкам беш ярим миллион АҚШ доллари тенг бўлиб, «Ўзфармсаноат» ДАК ва Кипрнинг «Kalobias Limited» компанияси унинг таъсисчиларидир.

Корхонага АҚШ, Германия, Япония, Швейцария каби мамлакатларнинг энг илгор фирма ва компанияларида ишлаб чиқарилган технологиялар ўрнатилган.

— Бу ерда тайёрланадиган нисбатан арзон ва сифатли дори- дармонлар замонавий тиббиётнинг халқаро андозаларига тўла жавоб беради, — дейди

қўшма корхона бош директори Ойбек Хўжаев ЎЗА мухбирига. — Юртимиз аҳолисига юрак-қон-томир, нафас йўли, шамоллашга ва зарарли микробларга қарши йигирма хилдаги препаратлар етказиб берамиз. Келгусида тайёр маҳсулотлар сонини бир юз элликка етказиш ҳамда экспортга чиқариш мўлжалланяпти.

Янги корхонада юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎЗА мухбири

ТЕРРОРИЗМ
ЁШЛАР
ТАСАВВУРИДА

Республика рассомчилик ва дизайн колледжиде терроризм ва экстремизмга қарши кураш мавзусидаги плакатларнинг таялов қўрғазмаси ўтказилди.

Тadbир Ўзбекистон Бадий академияси, Ички Ишлар вазирлиги, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Қўрғазмада қўйилган плакатларда болалар терроризм ва экстремизмга бўлган муносабатини ўз мўйқаламлари билан намоён этишган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 70 дан ортиқ ёш ижодкор рассомлар «Терроризм — офат», «Куч — бирликда», «Она заминни асра» каби мавзулардаги юзга яқин плакатлари билан иштирок этди. Ҳайъат аъзолари томонидан танлаб олинган энг яхши плакатлар муаллифлари диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Алоуддин ҒАФҒОРОВ,
“Туркистон-пресс”

Азиз ҳамшаҳарлар!




«МУХЛИСА ҚИЗ»

хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси Сиз, азизларни Бахтимиз Қомуси — Конституциямизнинг 12 йиллик байрами билан чин қалбдан муборакбод этади.



Барча юртдошларимизнинг оилаларига сиҳат-саломатлик, файзу барака тилаймиз.

Қадрли ҳамкасбларимиз — қурувчиларнинг бунёдкорлик борасидаги ишларида ҳамisha омад ёр бўлсин.



«MUXLISA QIZ» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси



Мусобақа ташкилотчилари «Биз ҳеч кимдан кам эмасиз ва кам бўлмаймиз» шиорини умуммамлакат миқёсида кенг тарғиб қилиш, юртимизнинг сиёсий саналарини спорт орқали нишонлаш ва тарғиб-ташвиқот қилиш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига муносиб ҳисса қўшиш, аҳолининг кенг қатламини югуриш спорти билан шуғулланишга жалб қилиш, кишиларнинг чидамкорлиги, жисмоний ҳамда меҳнатга бўлган қобилиятини мустаҳкамлаш, ёш авлодда мамлакатимиз обрўсини, шон-шухратини ёйиш, халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш каби фазилатларни шакллантириш каби эзгу ниятларни ўз ол-

Хайрли ташаббус

ЭЗГУ НИЯТЛАРНИ КЎЗЛАБ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб ташкил этилган умуммамлакат миқёсидаги оммавий марафон якунланди. Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад — мамлакат аҳолиси, айниқса ёшларда миллий гурурни, юртга бўлган меҳр туйғусини ошириш ҳамда спортнинг энгил атлетика турини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, уларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга бўлган қизиқишни орттиришдан иборат.

диларига асосий мақсад ва бурч этиб белгиланганликлари марафон давомида яққол намоён бўлди. Буни югуриш мусобақаларида аҳолининг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган қатлами фаол иштирок этганлиги ва сўнги нуктага қадар бардош кўрсатгани билан изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, кросс бўйича жаҳон чемпионати иштирокчиси, энгил атлетикадан кўп мартаба Ўзбекистон чемпиони бўлган Аъзам Алиев (Тошкент шаҳри) эркаклар орасида 33 дақиқа 42 сония натижани қайд этиб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, кросс бўйича яна бир жаҳон чемпионати катнашчиси Марат Низамов (Тош-



кент вилояти) ҳамда марафон югуриши бўйича жаҳон чемпионати иштирокчиси Василий Медведев (Тошкент шаҳри)лар 33 дақиқа 45 сония натижаси билан иккинчи ва учинчи ўринларга лойиқ деб топилдилар. Аёллар ўртасида эса Навоий вилоятидан Наиля Хайитова 49,5 дақиқада маррага биринчи бўлиб етиб келди. Наманган вилоятининг икки нафар вакиласи Людмила Лишнева ва Юлия Беловиналар мутаносиб равишда қолган совринли ўринларга сазовор бўлдилар.

Кўрсатилган юқори натижалар спортчиларимизнинг мусобақалар-

га қай даражада тайёргарлик кўрганларидан далолат беради. Хулоса қилиб айтишдан бўлса, бу каби мусобақаларни тез-тез ташкиллаштириш фойдадан ҳоли эмас.

Баҳодир АЗИЗОВ
СУРАТЛАРДА: умуммиллий югуриш марафонидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

ТИЖОРAT ХАВАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР
ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент Агротижорат касб-хунар коллежи, Мелиорация ва сув хўжалиги коллежи ва электротехника тиббиёт коллежига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли му-тахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатлар асл нусхаси
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4x6 ўлчамли 6 дона фотосурат
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
10. ИИББ ёки ИИВ дан маълумотнома

Манзил: Тошкент шаҳар, М.У.Ўзбек йу.маки,

Нижкил юртаси, 7-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

«Тошкентмебель» акциядорлик жамияти жамоаси «Файз» холдинг компанияси раиси Мукаррам Аҳадовна Азимовага волидаи муҳтарамаси

ОФТОБ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.



Бош муҳаррир
Акmal АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, объект
устида босилади.
3812 нусхада босилади. Қонг бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.